## Илмий фаоллик мезонлари маълумотларини бошқариш

### Илмий фаоллик мезонини яратиш

Илмий фаоллик мезонларини шакллантириш икки хил усулда амалга оширилади: биринчи усул илмий фаоллик мезонларини яратиш, иккинчи усул илмий фаоллик мезонларини импорт қилиш.

Илмий фаоллик мезонини яратиш тизимнинг **Reyting / Ilmiy faollik** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




1-расм. Илмий фаоллик мезонлари рўйхати

Илмий фаоллик мезонлари маълумотини қуйидагича шакллантиринг:

- **O‘quv yili** майдонидан ўқув йилининг танланг;
- **Ilmiy platforma** майдонидан илмий платформани танланг;
- **Mezon turi** майдонидан мезон турини танланг;
- **Qiymat** майдонига булни киритинг.

**Saqlash** тугмасини танлаш орқали маълумотларни сақланг (2-расм).




2-расм. Мезонларни шакллантириш

Юқоридаги кетма-кетлик асосида ОТМ ўзининг илмий фаоллик мезонларини яратиб олиши мумкин.

### Илмий фаоллик мезонини импорт қилиш орқали шакллантириш

Илмий фаоллик мезонини импорт қилиш учун илмий фаоллик мезонлари рўйхатига ўтинг (1-расм) ва **+Import** тугмасини танланг. Натижада

импорт ойнаси очилади. Импорт ойнасидан ўкув йили (жорий ўкув йили учун) ва нашр турини танланг (3-расм).




3-расм. Илмий фаоллик мезони импорт қилиш.

**O'tkazish** тугмасини танлаш орқали илмий фаоллик мезонини импорт қилинг. Натижада илмий фаоллик мезони мезонлари рўйхатига қўшилади (4-расм).




4-расм. Илмий фаоллик мезонлари рўйхати.

Импорт қилиш орқали нашрларнинг барча турлари бўйича илмий фаоллик мезонларини шакллантириб олинг.

## Илмий фаоллик мезонини таҳрирлаш

Илмий фаоллик мезонини таҳрирлаш учун тизимнинг **Reyting / Ilmiy faollik** менюсини танланг (4-расм). Илмий фаоллик мезонлари рўйхатидан мезонни танланг. Натижада илмий фаоллик мезони маълумотлари таҳрирлаш майдонларига юкланади (5-расм).




5-расм. Илмий фаоллик мезонини таҳрирлаш

Илмий фаоллик мезонини таҳрирлаш ойнасидан бирор бир таҳрирлаш амалини бажаринг ва **Saqlash** тугмаси танлаш орқали илмий фаоллик мезони маълумотларини сақланг.

## Илмий фаоллик мезонини ўчириш

Илмий фаоллик мезонини ўчириш учун таҳрирлаш ойнасидан **O'chirish** тугмаси танланг (5-расм).

**Муҳим!** Агар тизимда илмий фаоллик мезонига боғланган маълумотлар шаклланган бўлса у холда тизим илмий фаоллик мезонини ўчиришга рухсат бермайди.